



У тарихга Георгий Константинович Жуков сифатида кирган — Галаба маршали, Берлинни олган ва нацист Германиясининг таслим бўлишини кабул килган инсон. Аммо чукуррок каралса, «Жуков» фамилияси авлодда факат XIX аср ўрталарида пайдо бўлгани ва у кўмондоннинг отасига хатто ўз онаси хам бўлмаган аёлдан ўтгани маълум бўлади. Маршалнинг бобосининг келиб чиқиши эса халигача сир бўлиб колмокда ва у грек илдизлари хакидаги гап-сўзларни келтириб чикарган.

Ёзув билан колдирилган топилма бола: Константин кандай килиб Жуков бўлган

Георгий Константиновичнинг отаси — Константин Артемьевичнинг тарихи Москвадаги етимхонадан бошланган. Тахминан 1841–1844 йилларда (аник сана маълум эмас) у ерга бир чакалок ташлаб кетилган. Боланинг ёнидан шундай ёзув топилган: «Ўғлимни Константин деб чакиринг».

Болага тахминан уч ой бўлган. Кўп ўтмай уни Калуга губерниясидаги Чёрная Грязь кишлогида яшаган фарзандсиз бева Анна Жукова етимхонадан олиб кетган. У асраб олган болани тарбия килгани учун давлатдан ойига уч рубль олган.

Георгий Жуковнинг ўзи «Воспоминания и размышления» хотираларида болани ташлаб кетган номаълум онани оклаган. У аёлни бунга «чикиш йўли йўк огир ахвол» мажбур килган деб хисоблаган. Она исми кўрсатгани эса, унга бефарк бўлмаганини англатади.

Шундай килиб, Константин фамилияни асраб олган онасидан олган. Отасининг исми эса сирлигича колган.

Артемьевич, Андреевич ёки Иванович: чалкаш отчилик

Тарихчилар халигача маршалнинг отаси кандай отчилик билан аталгани хакида бахс килишади. Турли манбаларда уч хил вариант учрайди:

* Константин Артемьевич — бу отчилик Жуковнинг ўз хотираларида ва кўпчилик биографияларда келтирилган.

* Константин Андреевич — бу версия Виктор Устиновнинг «Жуков. Портрет великого полководца» китобида келтирилган.

* Константин Иванович — Лев Исаков «Русская война: дилемма Кутузова-Сталина» китобида етимхоналарда кариндошлигини билмаган болаларга кўпинча Иванович отчилиги берилганини таъкидлайди.

Артемьевич отчилиги каердан пайдо бўлгани хатто тахминан хам маълум эмас. Эхтимол, у асраб олган онаси оиласида берилган ёки унинг отчилиги билан боглик. Жан Лопез ва Лаша Отхмезури «Жуков» биографиясида бу отчиликни хатто маршалнинг отаси учун хам сир деб аташади.

Бўлмаган грек: келиб чиқиш хақидаги гаплар

Отасининг келиб чиқиши хақидаги сир мустахам афсонани келтириб чиқарган. Георгий Константинович замондошлар хотираларига кўра, бобоси эхтимол грек бўлганини айтишни яхши кўрар эди.

Анна Давыдовна Миркина, «Новости» ахборот агентлиги мухаррири, Жуков хотираларини тайёрлашда иштирок этган ва 1960-йилларда маршал бу гапларни тез-тез айтишини таъкидлаган. «У бобоси эхтимол грек бўлганини такрорлашни яхши кўрар эди; у хазил қилганми ёки йўқ — аниқ эмас», деб ёзишади Лопез ва Отхмезури.

Атрофда хакикатан хам боланинг отаси йўловчи «грек» бўлгани хақида гаплар юрар эди. Аммо бу версияни тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Россияда машхур одамларга ажойиб ёки зодагон келиб чиқиш уйлаб топиш анъанаси бор — худди Сталинни Пржевальскийнинг ўгли ёки хатто император Александр III нинг ўгли деб айтилгани каби.

Етим, этикдўз, бева: Константин Жуковнинг хаёти

Анна Жукова Константин тахминан саккиз ёшда бўлганида вафот этган. Бола Угодский Завод кишлогига кетиб, этикдўз шогирди бўлган. Хунарни ўзлаштириб, 12 ёшида Москвага кетган ва машхур немис устаси Вейс кўлида ишлаган.

1870 йилда Константин ўз кишлоги Стрелковкадан бўлган дехкон кизи Анна Ивановага уйланган. Уларнинг Григорий ва Василий исмли икки ўгли бўлган. Василий чакалокликда вафот этган. 1892 йилда Константин бева қолган.

Шу йилнинг ўзида у иккинчи бор уйланган — яна Стрелковкадан бўлган Устинья Артемьевна Пилихинага. У 29 ёшда, Константин тахминан 50 ёшда бўлган. Устинья хам аввал бева бўлиб, биринчи никоҳдан Иван исмли ўгли бор эди.

1894 йил 20 мартда уларнинг Мария исмли кизи тугилган. 1896 йил 1 декабрда (эски услуб бўйича 19 ноябрда) — Георгий тугилган. Кейин 1899 йилда яна бир ўғил — Алексей тугилган, аммо у бир ярим йил яшаган.

Характери ва тақдири: тенглар билан меҳрибон, бошлиқлар билан келишмас

Замондошлари Константин Артемьевични озгин, кичик соқолли, сочлари «кружок» қилиб қирқилган инсон сифатида тасвирлайди. У ҳаракатчан, жонли, бир оз букчайган бўлган.

Кишлоқдошлари уни ҳурмат қилган. Виктор Устинов ёзишича, у меҳрибон, очиккўнгил, ҳалол ва адолатли инсон бўлган. Тенглар билан юмшоқ, хатто баъзан бўшқовок бўлса, бошлиқлар билан келишмас эди.

Этикдўзлик катта даромад келтирмаган, у кўпроқ дехкончилик билан шугулланган. Шу билан бирга у иктидорли инсон бўлган: ўзи мустақил ўқишни ўрганган, гармошка ва

балалайка чалишни билган.

Жуковлар оиласи камтарона, аммо кашшок эмас эди. Уларнинг уйи бир хонали, омбори, сигири ва оти бўлган — бу ўша давр учун етарли бойлик саналган, чунки XX аср бошида хар учинчи дехкондагина от бор эди.

Москвадан «хайдалиш»: инкилобчи хакидаги афсона

Жуков хотираларида отаси 1905 йилги ишчилар иш ташлашларида катнашгани учун Москвада яшаш хукукидан махрум килингани айтилган.

Замонавий тарихчилар архивларни ўрганиб, буни тасдиқловчи ҳеч қандай маълумот топишмаган. На полиция ҳужжатларида, на суд материалларида бундай ҳолат қайд этилган.

Эхтимол, Константин Артемьевич молиявий сабаблар билан кишлокка қайтган. У оиласига ойига 2–3 рубль жўнатган, аммо Стрелковкада қолган хотини бу ҳолатдан норози бўлган. Шунингдек, у спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилган ва хотини унинг харажатларини назорат қила олмаган.

1906 йилда кишлокка қайтганидан кейин у бошқа жойга кетмаган. 1921 йилда вафот этган ва Стрелковкада дафн этилган.

Маршал отасининг тарихи — бу етим дехкон боланинг ўзи билмаган ҳолда бутун дунё танийдиган фамилия асосчисига айлангани хакидаги ҳикоядир. Константин Жуков ўзининг хақиқий ота-онасини ҳеч қачон билмаган. У ўглининг қим бўлишини ҳам билмаган.

Факат тахмин қилиш мумкин: бу меҳрибон ва ҳурматли инсон қичик Георгийга қараб нимани ҳис қилган? Ўз илдизлари хақида ўйлаганми? Ўглига ўша «грек қони» ўтганми? Ёки бу факат маршал қарилқда яхши кўриб айтадиган гўзал афсонами? Ҳужжатлар жим. Демак, бу ҳикоя сирлигича қолишга ҳақли.

Абу Муслим тайёрлади